

Оталиққа олинган ёшлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди



Президентимизнинг «Ўзбекистон-2030» стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида” амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида белгиланган топшириқлар ижроси ҳамда ёшларнинг Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил этиш Термиз туманидаги 3-сонли мактабда “Хавфсиз ҳаёт учун бирлашайлик!” шиори остида «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этилди.

Туманнинг 3-сектор ҳудудидаги оталиққа олинган ёшлар ҳамда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган «Заковат» интеллектуал ўйинида жамолар ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Кенг тафаккур, кучли зеҳн, тезкор топқирлик баҳсида ғолиб бўлган жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари вилоят Ички ишлар бошқармаси ва унинг туман бўлими мутасаддилари томонидан тантанали топширилди.